

**XX АСРДА МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИГА ҚАРШИ ЖАДИДЧИЛИК
ҲАРАКАТИ**
ДВИЖЕНИЕ ПРОТИВ КОЛОНИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В XX ВЕКАХ
THE MOVEMENT AGAINST COLONIAL POLICY IN THE XX TH CENTURY

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат
университети таянч докторанти
Мансуров Улуғбек Жумаевич

Аннотация. Ушбу мақолада жади́дчилик ҳаракатини келтириб чиқарган бир қатор сабаблар таҳлил қилинган. Шунингдек, жади́дчилик ҳаракатининг асосий фалсафий қарашлари ва уларнинг асосий ғояларнинг туб мазмун-моҳияти талқин қилинган. Шу билан бирга Туркистон аҳолиси орасидаги янги фикрли зиёлиларнинг мустамлака зулмига қарши ҳаракатларининг асосий фалсафий ва маърифий жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: миллий ва диний қадриятлар, рус давлатчилиги ғоялари, шариат меъёрлари, Феодализм қоқоқлиги ва диний фанатизм, маърифатпарвар ва миллатпарварлар.

Абстрактный. В данной статье анализируется ряд причин, породивших джадидистское движение. Также интерпретируются основные философские взгляды джадидистского движения и суть их основных идей. Вместе с тем выявлены основные философско-просветительские аспекты движения новообразованной интеллигенции среди населения Туркестана против колониального гнета.

Ключевые слова: национально-религиозные ценности, идеи российской государственности, нормы шариата, феодальная отсталость и религиозный фанатизм, просвещённые и националисты.

Abstract. This article analyzes a number of reasons that gave rise to the Jadidist movement. Also, the main philosophical views of the Jadidist movement and the essence of their main ideas are interpreted. At the same time, the main philosophical and educational aspects of the movements of new-minded intellectuals among the population of Turkestan against colonial oppression have been revealed.

Key words: national and religious values, ideas of Russian statehood, Sharia norms, Feudalism backwardness and religious fanaticism, enlightened and nationalists.

Кириш: XX аср бошларига келиб дунё миқёсида содир бўлаётган инқилобий ўзгаришлардан хавфсираган мустамлакачилар Туркистон аҳолиси орасидан ўзининг мустамлака сиёсатини устидан сиёсий назоратини ўрната бошлаган. Хусусан, Россия мустамлакачилиги сиёсатининг Англия, Франция

мустамлакачилигидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари бор эди. Қолаверса, аҳоли турмуш даражасининг энг паст ривожланиши, шариат меъёрларининг бузилиши, миллий ва диний кадриятларнинг йўқ қилиниши, турли даражадаги жиноятлар сонининг кўпайиши, маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга нисбатан нафратини янада оширар эди. Шу боис турли ижтимоий табақалар мустамлака зулмидан халос бўлишнинг ҳар хил йўллари ва усулларини ўйлашга мажбур бўлган.

Тадқиқот методологияси. Жадиदчилик тафаккур тарзи ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий шароити ва сиёсий ҳолати негизида вужудга келган. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия империяси режали тарзда Туркистон ўлкасини истило этиш ишларини авж олдириб юборди. Туркистонни забт этиш руслар учун ўз навбатида турли муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. А.Исақбоев фикрича: «Чунки тили, дини ва маданияти бутунлай бегона бўлган Туркистон халқларини ҳарбий жиҳатдан бўйсундириш билан бир қаторда, ўлкада мустамлакачилик тартиботини ўрнатиш ҳамда бу ҳудуд аҳолиси ҳаётига чуқур кириб бориш анча мушкул эди»[Исақбоев А. 2008. – Б. 22]. Хусусан, Туркистон мустамлакага айлантирилгач, подшо Россияси ўзининг асосий мақсади этиб энг аввало халқларимизда миллий давлатчилик туйғуларини йўқ қилишни мақсад қилган. Бунда ҳамма соҳада рус миллатчилик шовинизмини қарор топтириш кўзланлигини келтириш зарур. Жумладан, бу давр ҳақида ўзбек олималаридан Н.Абдурахимова., Г.Рустамовалар шундай фикр билдиради: «Туркистонда барча рус амалдорлари, зиёлилари ўлкада буюк рус давлатчилик ғояларини амалга оширишга киришдилар. Туркистонда сиёсий, иқтисодий ва миллий маънавий зулм ниҳоятда кучайди» [Абдурахимова Н., Рустамова Г. 2000. – С. 84]. Бизнинг фикримизча, айнан мустамлакачиларнинг бу каби сабаблар орқали зулмга асосланган мустамлакага айлантириш ҳолатлари кейинчалик Туркистон ҳудудида халқ ҳаракатининг юзага келишига муайян даражада сабаб бўлган.

Дарҳақиқат, Туркистон халкининг аҳволи кескин даражада янада ёмонлашиб борган. Ўлкада эски феодал бошқаруви билан баробар эксплуатациянинг янги тартиб усуллари жорий этилган. Қолаверса, Г.Т.Махмудова фикрича: «ижтимоий тараққиёт зинопоясининг юқорирок поғонасида турган Россия Туркистон халқлари ҳаётига янгилик олиб кирмаслиги ҳам мумкин эмас эди. Феодализм қолоқлиги ва диний фанатизм ҳукмрон бўлган ўлкада жорий этилаётган бошқарув ва таълим системаси бу ўлка илғор намоёндаларининг диққат эътиборини тортиши табиий эди» [Махмудова Г.Т. 1992. – Б. 16].

Таҳлил ва натижалар. Туркистон ўлкасидаги дастлабки тараққийпарвар жамиятлар, тадқиқ этилган манбалар берган маълумотларга кўра, 1905-1907 йилги биринчи рус инқилобидан сўнг, эрон ва Туркиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар таъсирида вужудга келган. Дарҳақиқат, подшо маъмурлари маҳаллий мактаблардаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришни маҳаллий аҳолини руслаштириш борасидаги катта тўсиқ деб қарадилар. Х.Мажидий фикрича: «Шу сабабли эски мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаш учун бирор бир тадбир кўрилмади. Мактабларнинг аҳволи Россия босқинидан аввал қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолиб кетаверди» [Мажидий Х. 1992. – Б. 16]. Қолаверса, Россия Туркистонни истило қилгач, рус маъмурлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий халқнинг айрим анъаналаридан, урф-одатларидан фойдаланишга уриндилар ва шу мақсадда диний ақидалардан, маҳаллий халқ ўртасида обрў-эътибор қозонган шахслардан, руҳонийлардан фойдаланган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, маҳаллий халқларнинг тарихий кадриятларига, диний эътиқодларига таъсир ўтказиш, уларни маънавий қарамликда ушлаш учун Россия маъмурияти, тажрибали мустамлакачи давлатларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган миссионерлик сиёсатларидан фойдаландилар. Муҳаммад Азиз Марғилоний ёзишича: «Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, сиҳат-саломатлигини яхшилаш борасида ҳам бирон-бир тадбир амалга

оширилмади. Губернияларда, уездларда бир ёки икки врач бўлиб, улар ҳам асосан, солдатлар ва рус аҳолисига ёрдам кўрсатиш билан банд бўлганлар» [Муҳаммад Азиз Марғилоний. 1999. – Б. 73]. Бу эса ўша даврдаги Туркистон халқларининг аҳолини янада оғир даражага тушиб қолишига сабаб бўлганлигини хулоса қилиш мумкин.

Рус ҳукумати маҳаллий халқ ва унинг вакиллари учун ҳар қандай мустақил ҳаракат қилиш эшикларини бутунлай ёпиб ташлаган эди. Туркистон вилоятининг сўнгги генерал губернатори генерал А.Н.Куропаткин (1848-1925) 1917-йили ўз хотираномасида ёзганидек, «сўнгги 50 йил давомида биз (руслар) маҳаллий халқларни тараққиёт, мактаб ва рус ҳаётидан узоқроқ тутдик» [Куропаткина. 1992. – С.40]. Шу сиёсат доирасида улар маҳаллий тилларда газеталар, ҳатто улар давлат сиёсатини қўллаб-қувватловчи дастур асосида бўлса ҳам нашр қилинишига ижозат бермади. И.Гаспринский «Зиёи Кафказия» газетасида 1879-йили чоп қилинган, ҳозиргача аниқланган биринчи мақоласида ҳар бир миллат ўз муаммоларини муҳокама қилиш имкониятини берувчи миллий матбуот органига ега бўлиши кераклиги ҳақида ёзган эди.

Таҳлилларга биноан, ўлкада мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар аста-секин маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий қашшоқланишига, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларнинг кескинланишига олиб келиб, чоризм мустамлакачилигига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлган. Х.Мажидий фикрича: «XIX асрнинг 70-80 йилларида эса мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари Туркистон ўлкасининг деярли барча жойларида кучайиб кетди. Бу ҳақда махфий маслаҳатчи Гирс ҳам ўз маълумотларида тўхталиб ўтиб, «халқда русларга қарши курашиш бефойда», деган тўшунча пайдо бўлган, - дея таъкидлаб ўтади» [Мажидий Х. 1992. – Б.19]. Зеро, биз кейинги йилларда бўлиб бир канча миллий озодлик ҳаракатларидан халқда бундай хулоса пайдо

бўлмаганлигини кўрамиз. Шунингдек, миллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига яна бир сабаб, мустамлакачилар томонидан амалга оширилаётган иқтисодий зулм эканлигини таъкидлаш зарур. Муҳаммад Азиз Марғилоний фикрича: «Бундай чиқишлар маҳаллий маъмурият - волост бошқарувчилари мингбошилар, оқсоқоллар ва халқ судьялари - қозилар сайловларида тобора очик-ойдин кўрина бошлади» [Муҳаммад Азиз Марғилоний. 1999. – Б. 184]. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рус мустамлакачилари кўзғолончиларни жазолашда ўзларига ёкмаган маҳаллий зиёлиларни, халқни кўтаришга қодир маърифатпарвар ва миллатпарварларни ҳам қатоғон қилди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият ғоят оғир бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқсизлиги, таҳқирланиши ҳаддан ошган, Туркистон мустамлакачилар учун арзон иш кучи ва хом ашё базасига айланиб қолади. Маърифатпарвар зиёлилар Туркистон метрополиянинг хом-ашё базасига айланиши билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганлигини сезганлар. Туркистон ўлкасининг келгуси тақдири ҳақидаги бундай ўйлар охир-оқибатда мустақиллик учун курашнинг ўзига хос йўллари излаб топишни тақозо этганлигини айтиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Исакбоев А. Туркистон ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатарварларининг фаолияти (XIX аср охири - XX аср бошлари): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган. – Наманган: 2008. – Б. 22.
2. Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане. – Ташкент, 2000. – С. 84.

3. Махмудова Г.Т. Туркистонда жадиdчилик ҳаракати ва унинг ахлоқий-эстетик фикр тараққиётига таъсири. Фалс. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент: 1996. – Б. 10.
4. Мажидий Х. Туркистон босқини. – Тошкент: Нур, 1992. – Б. 16.
5. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 73.
6. Dnevnik generala A.N.Kuropatkina.1917 god // Istoricheskiy arhiv. 1992. – С.40
7. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 184.